ТОШКЕНТ КИМЁ ХАЛҚАРО УНИВЕРСИТЕТИ

«ТАСДИҚЛАЙМАН»
Тошкент Кимё халқаро
университети ректори

_____2022 й.

АПЕЛЛЯЦИЯ КОМИССИЯСИ

НИЗОМИ

Тошкент 2022

1. Умумий қоидалар.

1.1. Апелляция комиссияси (Кейинги ўринларда – "Комиссия" деб аталади) Тошкент халқаро Кимё университетининг (кейинги ўринларда – "университет" деб аталади) таркибий бўлинмаси ҳисобланади.

1.2. **Апелляция** – талаба имтихон натижасидан норози бўлиб, уни қайта кўриб чиқиш ҳақидаги сўрови

1.3. **Апелляция комиссияси** – келиб тушган апелляция аризаларини кўриб чиқиш ва қарорлар қабул қилиш мақсадида университет таълим йўналишлари раҳбарлари, кафедра мудирлари, регистратор бўлими бош мутахассиси унинг доимий аъзолари ҳисобланади.

1.4. Комиссия ўз фаолиятини Ўзбекистон Республикаси таълим ва фан соҳасидаги қонунчилиги, Университет низоми, ички тартиб қоидалари, университет ректори буйруқлари ва топшириқлари, Университет Кенгаши ва университетнинг бошқа ички хужжатлари билан олиб боради.

1.5. Комиссия ўқув ишлари бўйича проректорга бўйсунади.

2. Жавобгарлик

2.1. Комиссия ушбу Низом талабларининг амалга оширилишини ва бажарилишини таъминлайди.

2.2. Апелляция ишларини юритишга тайинланган масъуллар (яъни комиссия) ушбу Низомда белгиланган талабларни бажарилишига жавобгардирлар.

3. Жараёнларга талаблар

3.1. Апелляция аризасини кўриб чиқиш жараёни мазкур Низомнинг 1-иловасида келтирилган схемага мувофиқ амалга оширилади ҳамда қуйидаги усул ва элементлардан иборат:

a) Апелляция аризасини олиш, тафтиш қилиш ва қарор қабул қилиш жараёнининг тавсифи;

b) Апелляция аризаси бўйича ёзувларни юритиш ва кузатиш, шу жумладан улар бўйича олиб борилган ҳаракатлар;

c) Тегишли ҳаракатларнинг ўз вақтида бажарилишини таъминлаш.

4. Апелляцияни олиш, тафтиш қилиш ва қарор қабул қилиш жараёнининг тавсифи.

4.1. Апелляция аризасини олиш.

4.2. Апелляция аризасини берувчи (кейинги ўринларда талаба деб аталади) имтихон натижалари эълон қилинган кундан бошлаб 3 иш куни ичида (айрим ҳолаларда: талабанинг бетоблиги, узрли сабабларга кўра ушбу муддат узайтирилиши мумкин) апелляция аризасини тегишли таълим йўналиши раҳбарига ушбу низомнинг 2-иловасига мувофиқ апелляция бериш

ҳамда унинг натижаси нусхасини таълим йўналиши раҳбаридан олиш ҳуқуқига эга.

4.3. Апелляция аризасида қуйидагилар кўрсатилади: талабанинг таълим йўналиши; курси; академ гуруҳи номи; фамилияси, исми ва шарифи; ID рақами; фан номи; назорат шакли; имтихон бўлиб ўтган сана; агар компьютерда ўтказилган тестда техник хатолар мавжуд бўлса, яъни битта саволда бир хил жавоблар (ёки умуман жавоблар йўқ), очилмаган расмлар, кўринмаган математик белгилар ва шу каби бошқа ҳолатларда ушбу саволларнинг тартиб рақамлари; қоғоз вариантда ўтказилган ёзма иши саволларида сифат хатолари мавжуд бўлса, яъни, савол тўлиқ ёзилмаганлиги, тўғри жавобнинг мавжуд эмаслиги (агар тест бўлса) ва шу каби бошқа ҳолатларда ушбу саволларнинг тартиб рақамлари; бошқа эътирозлар.

4.4. Апелляция натижаси ариза топширилган кундан бошлаб 5 иш куни ичида нусхаси таълим йўналиши раҳбари томонидан талабага эълон қилинади. Апелляцияда кўрсатилган ҳолатлар ўз исботини топган ҳолатда масъул ходим (профессор-ўқитувчи)га нисбатан ўрнатилган тартибда тегишли чоралар кўрилади.

4.5. Талаба томонидан берилган апелляция аризаси кўриб чиқилганидан сўнг унинг натижаси тўғрисдаги маълумот нусхаси таълим йўналиши раҳбарига асли эса талабанинг шахсий йиғма жилдига тикилади.

5. Тегишли ҳаракатларнинг ўз вақтида бажарилишини таъминлаш.

5.1. Апелляция аризасини кўриб чиқиш муддати апелляция комиссиясига тақдим этилган (4.4-банд) санадан бошлаб беш иш кунидан ошмаслиги керак.

5.2. Таълим йўналиши раҳбари: - бир иш кунидан кечиктирмасдан апелляция аризаси олинганлиги юзасидан талабага маълумот бериш ҳамда апелляция аризаси натижаси талабага эълон қилишни таъминлаш;

5.3. Кафедра мудири: - апелляция аризаси қаноатлантирилганда саволномани тузган профессор-ўқитувчи тушунтириш хатини комиссия аъзоларига тақдим қилинишини таъминлаш;

5.4. Регистратор бўлими бош мутахассиси: - комиссияга келиб тушган апелляция аризаси натижаси нусхасини таълим йўналиши раҳбарига ҳамда аслини талабанинг шахсий йиғма жилдига тикилишини таъминлаш;

5.5. Комиссия, мазкур Низомнинг апелляция аризаси учун барча зарур маълумотларни тўплаш ва текшириш (ўрганиш) учун жавобгар ҳисобланади.

5.6. Комиссия уч иш кунидан ортиқ бўлмаган муддатда қабул қилинган қарор ва апелляция жараёни якунланишини таъминлайди.

5.7. Апелляция комиссиясининг қарори юзасидан қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда судга шикояти қилиш мумкин.

1-илова

Аппелция аризасини кўриб чиқиш схемаси

Апелляция аризаси шакли

2-илова

Тошкент Кимё халқаро университети
Ўқув ишлари бўйича проректори

_____га
_____ йўналиши
_____ - курс _____ - гуруҳи

_____

_____

_____

(Талабанинг Ф.И.О.)

_____

(Талабанинг мобил телефон рақами)

АПЕЛЛЯЦИЯ АРИЗАСИ

ID	Фан номи	Назорат шакли	Имтиҳон санаси
		○ Жорий ○ Final ○ Retake	

А) Агар компьютерда ўтказилган тестда техник хатолар мавжуд бўлса, яъни битта саволда бир хил жавоблар (ёки умуман жавоблар йўқ), очилмаган расмлар, кўринмаган математик белгилар ва шу каби бошқа ҳолатларда ушбу саволларнинг тартиб рақамларини ёзинг:

_____

_____

Б) Агар, фикрингизча, компьютерда ўтказилган тест ёки қоғоз вариантда ўтказилган ёзма иши саволларида сифат хатолари мавжуд бўлса, яъни, савол тўлиқ ёзилмаганлиги, тўғри жавобнинг мавжуд эмаслиги (агар тест бўлса) ва шу каби бошқа ҳолатларда ушбу саволларнинг тартиб рақамларини ёзинг:

_____

_____

В) Бошқа эътирозлар:

_____

_____

_____ _____ _____

(талаба Ф.И.О.) (имзо) (сана)